

Ифторликни хурмо билан очишнинг фойдаси

Image not found or type unknown



17:00 / 06.03.2025 5179

عَشَائِعَ يَلْعَقُ وُزْسَمَ وَأَنَّا تَلَخَدُ: لَأَقُ هُنَّ هَلْ لِي ضَرَّةٌ يَطْعَى بَأَنِّ
هِيَ لَعُ هَلْ لِي لَصِّ دَمَّ حُمِّ بَاحْصًا نَمْنُ الْجَرِّ، نِي نَمُّؤْمَلًا مُأَي: اِنْلُقَ
رَحُّ أَوْ رَاةَ الصَّلَاةِ وَرَاطِفِ الْجَعْفِيِّ أَمْ هَدَحًا، رِي خُلَا نَعُ وُلْ أَيْ أَلْ أَمْ هَالِكٌ مَلَسَو
رَاةَ الصَّلَاةِ وَرَاطِفِ الْجَعْفِيِّ يَدَّلُ أَمْ هَيَّأُ: تَلَأَقُ رَاةَ الصَّلَاةِ وَرَاطِفِ الْجَعْفِيِّ
ر. هَلْ لِي لُؤْسَرُ عُنْ صِي نَاكَ لَوْلَدَكَ: تَلَأَقُ، دُوْعُ سَمُّ نُبِّ هَلْ لِي دُبَّعُ: اِنْلُقُ
يُرَاحُ بَلِّ أَلْ إِسْمُ خَلِّ هَاوَرِ، يَسُومُ وَبَأَنَّ رَحُّ أَوْ

Абу Атийя розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Масруқ иккимиз Оишанинг олдига кириб:

«Эй мўминларнинг онаси, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан икки киши, икковлари ҳам яхшиликни ортга сурмайдилар. Бирлари ифтор билан (Шом) намозни тезлатади. Бошқаси эса ифтор билан

(Шом) намозни ортга суради», дедик.

«Икковларидан қай бири ифторни ва намозни тезлатади?» деди.

«Абдуллоҳ ибн Масъуд», дедик.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар», деди.

Бошқаси Абу Мусо эди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Тобеъинлардан Абу Атийя ва Масруқ розияллоҳу анҳулар икки катта саҳобийларнинг ифторни тез қилиш ва Шом намозини эрта ўқиш бўйича икки хил иш қилаётганларини мулоҳаза қилганлар. Шу билан бирга, икковларидан қай бирларининг тутаётган ишлари суннатга мувофиқ, тўғри эканлигини билмоқчи бўлганлар. Бунинг учун эса Оиша онамизга мурожаат қилганлар. Оқибатда ифторни вақти кириши билан қилиш ва Шом намозини ҳам эртароқ ўқиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари эканлиги маълум бўлган.

Шунинг учун биз ҳам ўз ҳаётимизда шунга одатланишимиз лозим. Вақт кириши билан оғизни очиб, нафсни бир оз қондиргандан кейин дарҳол Шом намозини ўқиб олишимиз керак бўлади.

مَلَسَ وَوَعَى لَعْلَلْ يَصِيَّبَنَّ لَنَا ع ، وَعَنْهُ لَلْ يَصْرَرُ رَمَاعِ نَبْنَامَلَسَ ن
دَجِي مَلْنَمَف ، وَكَرَبُّنْ إِفْرَمَتِ لَعْلَع رَطْفُفُفْ لَفْمُ كُدَحْ أ رَطْفَا إِذْ ؛ لَاق
نَنْسَلْ أَبْأَصْأ هَاور . رُوْطُهُنْ إِفْءَام لَعْلَع رَطْفُفُفْ لَف

Салмон ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки бирортангиз ифтор қилса, оғзини хурмо билан очсин. Чунки у баракадир. Ким топмаса, сув билан очсин. Чунки у покловчидир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Кун бўйи рўза тутиб юрган инсоннинг жисмида катта ўзгаришлар юз беради. Шунинг учун ифтор вақти бўлганида оғизни нима билан очиш ўта аҳамиятлидир. Чунки маълум муддат давом этган очликдан сўнг биринчи тановул қилинадиган нарсанинг организмга таъсири жуда ҳам каттадир. Ана шу жиҳатдан хурмо ёки сув ўта мувофиқ нарсалар экан.

Буни ҳозирги замон илми ҳам қаттиқ таъкидламоқда. Бу борада илмий тажрибалар ўтказган олимларнинг кўпчилиги мусулмон бўлмаганлари, хурмо дарахти ўсадиган минтақадан эмасликлари учун асосан сув билан оғиз очиш яхши эканлигини таъкидламоқдалар.

Биз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилган ҳолда оғизни хурмо ёки сув билан очишга одатланмоғимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди